

**МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ВА МАЪМУРИЙ АДЛИЯ ҲУҚУҚИЙ
ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС ИНСТИТУТЛАРИ СИФАТИДА**

Ислохўжаев Х.С. –
юримдик фанлар доктори

Маъмурий адлия маъмурий тартиб-таомиллар билан узвий боғлиқ бўлиб, айна пайтда ушбу иккала ҳуқуқий институт замонавий маъмурий ҳуқуқнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари ва амалий оммавий бошқаруви сифатида давлат билан фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи энг муҳим ҳуқуқий воситалар, деб ҳисобланиши лозим. Мазкур ҳуқуқий институтлар ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир.

Давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим аломатларидан бири ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги замонавий амалиёт шуни кўрсатадики, оммавий ҳокимият фаолияти қонун асосида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий тартиб-таомилларнинг қонунчилик даражасида тартибга солиниши дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида (Япония, АҚШ, Германия, Голландия ва бошқалар) сўзсиз тан олинган. Дунё амалиётидаги маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунлар маъмурий тартиб-таомилларнинг турли моделлари ва принципларини камраб олади.

Замонавий шароитда турли давлатлар ҳуқуқшунос олимлари томонидан уларнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилганлиги даражасини ҳисобга олмасдан туриб, маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Япониянинг МИЭ университети профессори Ш.Кодаманинг фикрича, бозор шароитида ресурсларни бозор иқтисодиётига мувофиқ лозим даражада тартибга солиш ва тақсимлашни таъминлайдиган ҳамда давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар фақат қонунга биноан ҳуқуқий ва мажбуриятли муносабатларга айланишини назарда тутувчи ҳуқуқий қарашга асосланган маъмурий ҳуқуқ зарурдир. Маъмурий органлар фаолиятини ислоҳ қилмасдан ҳамда маъмурий ҳуқуқ мазмунида ўзгаришларни амалга оширмаган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш шуни англатадики, бошқарув фақат маъмурий органларнинг бир томонлама буйруқлари ва давлат хизматчиларининг ўзбошимчалик билан қабул қилган қарорлари асосида амалга оширилади.

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун маъмурий фаолиятнинг буйруқбозлик ва бир томонлама тартибда амалга оширилишига йўл қўймаслик билан бирга, маъмурий ҳужжатларнинг суд тартибида қабул қилинишига ҳам йўл қўймайди.

Нагоя университетининг (Япония) профессори К.Ичихаши таъкидлаганидек, Японияда «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун 1993 йилда қабул қилинган. Бунда давлат бошқарувининг турли соҳаларидаги маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солувчи умуммажбурий қонуннинг қабул қилиш орқали Япониянинг ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижий мамлакатларда ишонч уйғотадиган адолатли, шаффоф ва «очик» давлат бошқарувини яратишга эришиш кўзда тутилган.

Германиялик маъмуриятчи олим Й.Пудельканинг фикрига кўра, маъмурий тартиб-таомиллар деганда фақатгина маъмурий органлар томонидан амалга ошириладиган тартиб-таомиллар тушунилади. Демак, гап суд жараёни бошлангунига қадар бўлган босқич ҳақида бормоқда. Бундан фарқли ўларок, маъмурий-суд жараёни даъво аризасини беришдан бошлаб, суд қарорини қабул қилиш ва (агар зарур бўлса) уни ижро этишгача бўлган барча масалаларни камраб олади.

Маъмурий қонунчиликнинг ривожланиши бевосита иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир. Рюкоку университети (Япония) профессори Т.Хонданинг ёзишича, Шарқий Осиё мамлакатларида маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётнинг байналмилаллашуви жараёнига жавобан амалга оширилган. Чет эл корхоналари ва шахслари муайян мамлакат бозорида иқтисодий фаолиятни тўсқинликсиз

юритиши учун ушбу мамлакатда умумэътироф этилган маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжудлиги заруратга айланади.

«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун маъмурий органлар хизматчилари учун «одоб-ахлоқ кодекси» эмас. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг бенефициарлари фуқаролардир.

Маъмурий тартиб-таомиллар, моҳиятига кўра, маъмуриятчилик жараёнини тартибга солувчи ҳуқуқий стандартлар тизимидир. Улар маъмуриятчиликни оммавий ҳокимиятнинг белгиланган меъёрларига мувофиқ амал қиладиган ва ҳақиқатан ҳам умумий фаровонликка хизмат қиладиган тарзда ташкил этиш имконини беради.

Қозоғистонлик олимларнинг фикрича, маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий-процессуал нормалар билан тартибга солинган ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини амалга оширишга, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларига ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ҳамда мажбуриятларини бажариш бўйича давлат хизматларини кўрсатишга қаратилган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар тартибидир. Ушбу таърифда маъмурий тартиб-таомилнинг асосий элементлари ўз аксини топган, яъни: а) тартиб-таомил тарафлари; б) тарафлар томонидан содир этиладиган ва қабул қилинадиган юридик ҳаракатлар ва ҳужжатлар «тўплами»; в) вақт параметрлари (муддатлар, давомийлик, даврийлик ва ҳ.к.).

Россиялик ҳуқуқшунос олим Ю.Н.Стариловнинг фикрича, маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солиш муаммоси давлат бошқаруви соҳасида қонунийлик режимини таъминлаш, давлат аппаратини, унинг ички ва ташқи алоқалар тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш билан узвий боғлиқдир.

Унинг фикрига кўра, маъмурий тартиб-таомиллар — бу қонунийликни таъминлаш усулидир. Оммавий бошқарувда процессуал қоидаларнинг норматив тарзда белгиланиши, энг аввало, амалдаги муносабатларни тартибга солиши билан қонунийликни таъминлаш мақсадларига хизмат қилади; қонун уларга шаклий аниқлик беради ва шу орқали ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўймайди ёки бундай суиистеъмолчиликни сезиларли даражада чеклайди. Шу сабабли, қонун чиқарувчиларнинг мазмун ва процессуал нормалар тизими жиҳатидан сифатли бўлган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунни яратишга интилиши ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги долзарб ва тўғри қадам бўлиб, бу айни пайтда давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини ўзбошимчалик ва ғайриқонуний тарзда амалга оширишини чеклашга хизмат қилади.

Ю.Н.Стариловнинг фикрича, маъмурий тартиб-таомилларни ҳар томонлама тадқиқ этишнинг долзарблиги ва «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунга бўлган эҳтиёж қуйидаги заруратлар билан изоҳланади:

- оммавий бошқарувнинг энг муҳим шакллари доирасида бошқарув ҳаракатларини амалга оширишнинг лозим бўлган тартибини белгилаш;

- ижобий (позитив) маъмурий тартиб-таомил тушунчасини, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларнинг моҳияти, белгилари ва ҳуқуқ соҳаси тизимидаги ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

- ижобий маъмурий тартиб-таомилларнинг амалдаги ҳуқуқий тартибга солинишини, энг аввало, унинг тўлиқлиги, самарадорлиги ва ушбу тартиб-таомиллар тартибга солиши лозим бўлган замонавий ижтимоий муносабатларга мувофиқлиги нуктаи назаридан танқидий таҳлил қилиш;

- маъмурий тартиб-таомилларнинг янги норматив асоси — «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун учун назарий база яратиш;

- давлат бошқаруви амалиётида маъмурий тартиб-таомилларнинг кенг тарқалганлигини, шунингдек, уларда кўплаб жисмоний ва юридик шахслар иштирок этишини ҳисобга олиш.

Олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилишнинг муҳимлиги ва долзарблиги қуйидаги омиллар билан асосланади:

- биринчидан, давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллари жорий этилади;

- иккинчидан, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ҳамда шунга мувофиқ фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишини оширади.

- учинчидан, маъмурий қонунчиликнинг ривожланиши иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқдир. Хорижий инвесторлар учун улар фаолият юритаётган мамлакатда халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ҳамда хусусий шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга;

- тўртинчидан, дунёнинг етакчи давлатлари амалиёти шуни кўрсатадики, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилиги самарадорлигини оширади.

2018 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасида «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун маъмуриятчилик жараёнида оммавий ва хусусий манфаатларнинг уйғун нисбатини, яъни оммавий ҳокимиятнинг адолатли меъёрини таъминлашга йўналтирилган. Айнан маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий ҳуқуқни қўллаш жараёнини тартибга солади ва шу тариқа моддий оммавий ҳуқуқ нормалари амалиётда қандай ишлашини белгилаб беради.

Қонуннинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ҳисобланади.

Қонуннинг амал қилиши маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензиялаш, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, бошқа давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга татбиқ этилади.

Қонуннинг амал қилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов соҳасидаги, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бошқа фаолият, суд ишларини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, банкларни санация қилиш ва тугатиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга татбиқ этилмайди.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида (Франция, Германия, Япония, Корея ва бошқалар) узок йиллардан бери давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан суд назоратининг махсус тизими қўлланиб келинмоқда, у кўпроқ маъмурий адлия сифатида машхур.

Профессор Ю.Н.Стариловнинг фикрича, маъмурий адлия бошқарув органларининг ваколатлари қонунлар билан тартибга солина бошлаган пайтдан бошлаб юзага келади. Қонунлар бошқарув фаолиятини тартибга солар экан, фуқароларнинг маъмурият олдидаги мажбуриятларини ҳам аниқроқ белгилаб беради. Ҳуқуқ ва эркинликлар бузилган тақдирда, фуқаро уларни ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши керак. Бузилган субъектив ҳуқуқни тиклаш имконини берувчи энг муҳим ҳуқуқий институт — маъмурий адлия бўлиб, унинг ривожланиши давлат, унинг функциялари ва жамиятдаги роли ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши билан бирга кечган.

Аввал Ўзбекистонда маъмурий адлияни ташкил этишнинг умумий суд модели деб аталадиган тизим амал қилган. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, маъмурий низоларни

кўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқаролик ва хўжалик процесси доирасида умумий юрисдикция судлари ҳамда хўжалик судлари томонидан амалга оширилган.

Маъмурий адлиянинг бундай моделининг камчилиги маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида (суд ишларини юритишнинг бошқа турларидан фарқли ўларок) унинг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган махсус процессуал шаклнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ эди. Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодекси маъмурий суд ишларини юритишга оид принципиал жиҳатдан муҳим саволларга жавоб бера олмас эди.

Маъмурий ишлар бўйича чиқариладиган қарорларни эълон қилиш ва ошкоралик тизимини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳам ўз ечимини талаб қилар эди, чунки бу жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун реал имконият яратади ҳамда маъмурий адлияда судловга тегишлиликни белгилашга хизмат қилади.

Турли мамлакатларда учрайдиган маъмурий адлия таърифига доир ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, ушбу тушунчанинг моддий-ҳуқуқий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, маъмурий адлия маъмурий ишларнинг алоҳида тоифаси ажратилишини тақозо қилади. Бунга шундай ишлар кирадики, уларда тарафлардан бири оммавий ҳокимият субъекти ҳисобланади; қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликни содир этиш бўйича ҳокимият ваколатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилганлиги бўйича низолашув содир бўлади.

Иккинчидан, маъмурий ишларни бунинг учун махсус ташкил этилган орган — маъмурий суд ёки ижро этувчи ҳокимият тизимига киритилган, маъмурий низоларни ҳал этишга ваколатли бўлган ҳамда ижро этувчи-фармойиш берувчи ваколатларга эга бўлмаган квазисуд органи кўриб чиқиши лозим.

Учинчидан, маъмурий ишлар конституциявий, фуқаролик ёки жиноий ишларни кўриб чиқиш тартибидан фарқ қилувчи алоҳида тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Маъмурий суд ишларини юритиш предметининг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан, фуқаролар, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда иккинчи томондан, оммавий органлар ўртасидаги амалдаги тенгсизлик билан изоҳланади. Моддий оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари суд томонидан кўриб чиқилаётган маъмурий ишда тарафларнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлашга қаратилган тегишли маъмурий-процессуал режимга бўлган эҳтиёжни белгилаб беради.

Маъмурий суд ишларини юритиш бир қатор ҳуқуқий категорияларга асосланади, улар орасида «маъмурий-ҳуқуқий низо» категорияси энг муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида маъмурий тартиб-таомилларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган уринишларга қарамай, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан шакл ва услублар амалга оширилаётганда қарама-қаршиликлар ва бунинг оқибати сифатида маъмурий-ҳуқуқий низо келиб чиқади.

Маъмурий-ҳуқуқий низо — бу маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасида маъмурий ҳужжатларнинг қонунийлиги юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар бўлиб, улар оммавий бошқарув соҳасида ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш, қўллаш, бузиш ёки белгилаш муносабати билан юзага келади ҳамда муайян ҳуқуқий тартиб-таомил доирасида ҳал этилади.

Маъмурий адлия — бу одил судлов, ҳокимиятнинг ихтисослашган суд тармоғидир. Маъмурий элемент унинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиш механизми ва ҳал этиладиган ишларнинг хусусиятида намоён бўлади.

Унинг алоҳида хусусияти — қарори устидан шикоят қилинаётган оммавий органнинг (ижро этувчи ҳокимият органи, мансабдор шахс) маъмурий-ҳуқуқий низода иштирок этишидир. Оммавий соҳадаги низонинг суд тартибида ҳал этилиши натижасида ғайриқонуний маъмурий ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилади ва (ёки) бекор қилинади.

Маъмурий адлиянинг моҳияти ва асосий мақсади — фуқароларнинг субъектив оммавий ҳуқуқларини, шунингдек, фуқароларнинг субъектив хусусий ҳуқуқларини (масалан, мулк ҳуқуқини) ижро этувчи-фармойиш берувчи функцияларни бажарувчи ваколатли

органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ғайриқонуний маъмурий ҳужжатларидан (ҳаракатидан, ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилишдир. Асосий мақсадидан ташқари, давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш каби мақсадни ҳам кўрсатиб ўтиш жоиз. Ўзининг субъектив оммавий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган шахс судга маъмурий даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Маъмурий адлия ўз табиатига кўра қатъий ҳуқуқни ҳимоя қилиш йўналишига эга. Маъмурий судлар шахсни маъмурий жавобгарликка тортувчи орган ҳисобланмайди.

Маъмурий ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш — бу маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ривожланишининг мантиқий давомидир. Бошқарув ҳужжатлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда суд ҳокимиятининг роли мунтазам равишда ошиб боради, чунки низоларни кўриб чиқишнинг суд тартиби маъмурий тартибда кўриб чиқишга нисбатан бир қатор муҳим афзалликларга эга. Суд — бу қарорларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги устидан назоратни амалга оширувчи махсус давлат органидир; у ҳокимиятнинг ҳеч бир тармоғига қарам эмас ва бундай мустақилликнинг конституциявий кафолатларига эга; унда низони кўриб чиқиш натижасидан бирон-бир манфаатдорлик йўқ; у низони кўриб чиқишнинг аниқ процессуал шаклига эга; судда кўриб чиқиш принциплари демократик характерга эга; фуқаро ва бошқарув органининг ўзи тенг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Маъмурий суд ишларини юритиш ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан:

1. унда Фуқаролик процессуал кодексига каби тарафларнинг тенглиги (жисмоний шахслар жисмоний шахслар билан, юридик шахслар юридик шахслар билан) мавжуд эмас;

2. маъмурий суд фуқаролик ёки хўжалик (иктисодий) судидаги каби ҳакам ролида чиқмайди. У заиф тараф (даъвогар) томонида туради ва жавобгардан зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади;

3. маъмурий судда давлат қарши даъво тақдим этишга ҳақли эмас. Маъмурий суд давлат учун эмас, балки фуқаро учун хизмат қилади. Фуқаролик ёки хўжалик (иктисодий) судларидаги каби қарши даъволар мавжуд эмас;

4. маъмурий суд санкциялар қўлламайди. У ғайриқонуний маъмурий ҳужжатларни бекор қилишга ва муайян ҳолларда маъмурий органлар ўрнига қарорлар қабул қилишга ваколатлидир.

2018 йилнинг бошида суд тизимини ислоҳ қилиш доирасида Ўзбекистон Республикасида илк бор «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси» қабул қилинди. Кодекснинг амал қилиши фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибига татбиқ этилади.

Кодексга мувофиқ, маъмурий суд ишларини юритишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш; қонунга ва судга нисбатан ҳурматни шакллантириш.

Маъмурий суд ишларини юритиш принципларига мувофиқ, маъмурий ишлар бўйича одил судлов фақат суд томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси»да белгиланган қоидалар бўйича амалга оширилади. Маъмурий ишлар бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, юридик шахсларнинг эса мулкчилик шакли, жойлашган ери ҳамда бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдир ва фақат қонунга бўйсунди. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай тарзда аралаштиришга йўл қўйилмайди ва бу қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар мустақиллигининг кафолатлари қонун билан белгиланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол роли асосида амалга оширилади. Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, аризалари, илтимосномалари, улар томонидан тақдим этилган далиллар ва ишнинг бошқа материаллари билан чекланиб қолмасдан, маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис текширади. Суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра қўшимча далиллар тўплайди, шунингдек маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади. Ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш ва далилларни тўплашда судга қўмаклашиши шарт.

Маъмурий суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тилда юритилади. Маъмурий суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларига иш материаллари билан танишиш, суд ҳаракатларида таржимон орқали иштирок этиш ҳуқуқи ва судда она тилида ёки ўзи эркин танлаган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Суд муҳокамаси давомида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари суд мажлиси қайси тилда ўтказилган бўлса, ўша тилда тузилади.

Судларда ишлар очик кўрилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида эшитишга йўл қўйилмайди, бундай мажлиснинг аудио- ва видеоёзуви эса амалга оширилмайди. Ёпиқ суд мажлисида эшитиш ўтказилаётганда ишни электрон шаклда шакллантиришга йўл қўйилмайди. Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади. Суд қарори барча ҳолларда оммавий равишда эълон қилинади.

Суд маъмурий ишни кўраётганда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шарт.

Суд маъмурий ишларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади. Суд маъмурий ишни кўраётганда маъмурий орган ҳужжатининг қонунга номувофиқлигини, шу жумладан унинг ваколат доирасидан четга чиқилган ҳолда қабул қилинганлигини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини қўллайди, бундай нормалар ҳам мавжуд бўлмаса, низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқиб ҳал қилади. Маъмурий ишларни кўришда қонунчиликдаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдасига талқин қилинади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим. Суд ҳужжатларини ижро этмаслик Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси»нинг амал қилиши маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга татбиқ этилмайди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органларининг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган турли даражадаги маъмурий судларнинг ташкил этилиши инсонлар ва

юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини тубдан оширди.

Маъмурий судлар тизимининг яратилиши ва уларга оммавий ҳокимият органлари (мансабдор шахслар) устидан маъмурий даъволарни кўриб чиқиш ваколатининг берилиши Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга ошириш йўлидаги стратегик жиҳатдан тўғри қарордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Биз суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштириш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз».

Маъмурий адлия — бу мамлакатдаги одил судлов тизими ривожланганлик даражасининг кўрсаткичидир. Юзага келадиган маъмурий низолар умумий юрисдикция судларига қараганда айнан маъмурий адлия органларида юқорироқ натижадорлик ва самарадорлик билан ҳал этилиши мумкин. Маъмурий адлиянинг умумий суд тартибидан устунлиги шундаки, унинг асоси давлат бошқаруви ва маъмурий тартиб-таомилларнинг ўзига хос хусусиятларига риоя қилган ҳолда, фуқароларга нисбатан суиистеъмолчилик ва бюрократизмни енгиб ўтиш мақсадида маъмурий органлар устидан назорат қилиш ғоясига таянади. Энг муҳими, маъмурий судлар фаолияти давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги тийиб туриш ва мувозанат сақлаш тизимини таъминлайди, чунки ижро этувчи ҳокимият устидан суд ҳокимияти назоратининг самарадорлиги ошади.

Маъмурий адлиянинг классик тизимлари — француз ва герман тизимлари асрлар давомида шаклланган ҳамда давлатнинг ҳуқуқий устиқурмаси билан биргаликда такомиллашиб борган. Айни пайтда Ўзбекистон ҳуқуқий тизими маъмурий адлияни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши борасидаги Ғарбий Европанинг бой тажрибасидан муваффақиятли фойдаланмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. «Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана». // Газета «Народное слово», 26 декабря 2025 года.
2. Ш.Кодама. Реформа института административных процедур в Узбекистане в рамках правового сотрудничества с Японией / Материалы Международной конференции на тему «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования.», 29-30 сентября 2007 года. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев и др.. – Ташкент: Издательство «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2008. – С. 35.
3. К.Ичихаши. Правовое содействие Японии проекту закона Республики Узбекистан об административных процедурах / Материалы Международной конференции на тему «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования.», 29-30 сентября 2007 года. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев и др.. – Ташкент: Издательство «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2008. – С. 63-64.
4. Й.Пуделька. Административные процедуры и административно-судебный процесс. // Административная юстиция: к разработке научной концепции в Республике Узбекистан. Материалы Международной конференции на тему «Развитие административного права и законодательства Республики Узбекистан в условиях модернизации страны», 18 марта 2010 года. / Отв.ред. Л.Б.Хван. – Ташкент: Издательство «ABU MATBUOT-KONSALT», 2011. – С. 35.
5. Т.Хонда. Вопросы и задачи реформирования административной процедуры / Материалы Международной конференции на тему «Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования.», 29-30 сентября 2007 года. / Отв.ред. М.Х.Рустамбаев и др.. – Ташкент: Издательство «KONSAUDITINFORM-NASHR», 2008. – С. 150-152.
6. Административное право: учебный курс / под.ред. Р.А.Подопригоры. – Алматы: Налоговый эксперт, 2010. – С.218-219.
7. Стариков Ю.Н. Из публикаций последних лет: воспоминания, идеи, мнения, сомнения...: сборник избранных научных трудов / Ю.Н.Стариков, Воронежский государственный университет. – Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 2010. – С.489-490.
8. Закон Республики Узбекистан «Об административных процедурах». // Национальная база данных законодательства. - 09.01.2018. - №03/18/457/0525.

9. «Кодекс Республики Узбекистан об административном судопроизводстве». // Национальная база данных законодательства. - 26.01.2018.- №02/18/АПК/0627.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий адлиянинг давлат ҳуқуқий тизими учун муҳим аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий адлия, маъмурий суд ишларини юритиш, давлатнинг ҳуқуқий тизими.

РЕЗЮМЕ:

В статье раскрывается важность административных процедур и административной юстиции для правовой системы государства.

Ключевые слова: административные процедуры, административная юстиция, административное судопроизводство, правовая система государства.

RESUME:

The article explores the significance of administrative procedures and administrative justice for the legal system of the state.

Key words: administrative procedures, administrative justice, administrative litigation, the legal system of the state.